«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Ўзавиация" агентлиги директори
вазифасини бажарувчи

Т.Э. Ульжаев

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаролик авиацияси агентлиги

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕГЛАМЕНТИ

1. Хизматлар тавсифи (паспорти)

1.1. Хизматлар номи

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиацияси эксплуатантларини сертификатлаш

1.2. Хизматлар натижаси

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант Сертификатини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 01 мартдаги 58-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом"да белгиланган.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланклар олинадиган жойлар

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаролик авиацияси агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаролик авиацияси агентлиги (СНПП бўлими), "Ўзавиация" Агентлиги сайти www.uzcaa.uz

1.4. Ҳуқуқий асослар

1. Ҳаво кодекси, 44-модда 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузурида Фуқаролик авиацияси агентлиги, темир йўллар орқали ташишлар хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 337-сонли Қарори. 3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 01 мартдаги 58-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом".

1.5. Хизмат олувчилар

Юридик ва жисмоний шахслар хизмат олувчилар бўлиши мумкин.

1.6. Буюртма бериш муддати

Белгиланмаган.

1.7. Буюртма бериш муддатларига риоя қилмаслик оқибатларини кўрсатиш

Қўлланилмайди

1.8. Ижро муддати

"Ўзавиация" Агентлигига ариза тушган кундан эътиборан 30 кун.

1.9. Тасдиқномани бериш муддати

Қўлланилмайди

2. Хизмат олувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Мурожаат қилган ҳар бир шахсга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида ахборот бериш, шу жумладан "Ўзавиация" Агентлигининг қуйидаги сайтидан керакли ҳужжатларни кўчириб олиш имконияти кафолатланади - www.uzcaa.uz.

2.2. Кенг хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисида ахборот бериш "Ўзавиация" Агентлигининг қуйидаги веб-сайти орқали амалга оширилади - www.uzcaa.uz.

2.3. Расмий сўров бўйича хабардор қилиш

120-00-61 ёки 120-00-71 телефон рақамлари бўйича: соат 9-00 дан 18-00 гача Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатантларни сертификатлаш тартиби тўғрисида оғзаки ахборот бериш; 254-14-82 ёки 255-53-37 факс бўйича кеча-кундуз, ёзма сўровларни қабул қилиш "Ўзавиация" Агентлиги канцеляриясида соат 9-00 дан 18-00 гача расмий сўров бўйича ёзма ҳужжатларни қабул қилиш ва бериш; Электрон почта бўйича: caa@uzcaa.uz ёки flight@uzcaa.uz кеча-кундуз ёзма сўровларни қабул қилиш.

2.4. Хизмат кўрсатиш билан бирга хабардор қилиш

"Ўзавиация" Агентлиги манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-б. Мўлжал: Миробод бозори қаршисида.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжатлар бланклари (намуналари)

Аризалар ва Сертификат намуналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 01 мартдаги 58-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ белгиланган.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

“Ўзавиация” Агентлигининг иш вақти – ҳар куни соат 9-00 дан 18-00 гача, шанба ва якшанба, шунингдек байрам кунларидан ташқари.

3.2. Кутиш шартлари

Қўлланилмайди

4. Хизмат кўрсатиш тартиботи

4.1. Керакли ҳужжатлар

Ариза ва керакли тасдиқловчи ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 01 мартдаги 58-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ белгиланган.

4.2. Хизматлар ҳақи

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

“Ўзавиация” Агентлиги сайтида www.uzcaa.uz босқичма-босқич «асосий – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» Фуқаролик авиацияси эксплуатантлари ва субъектлари “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом”га босинг. Ушбу Низомда қуйидаги босқичлар белгиланган: а) Низомга иловага мувофиқ расмийлаштирилган аризани тасдиқловчи ҳужжатлар тўплами билан бирга қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш; б) Ариза берувчига ариза қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабар берилган ҳолда аризани дастлабки баҳолаш; в) Ариза берувчига аниқланган камчиликлар тўғрисида ёзма шаклда хабар берилган ҳолда ариза ва тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш; г) Ариза берувчидан тасдиқловчи ҳужжатларни текширишда аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳужжатлар олиш, улар бартараф этилганлигини текшириш; д) Белгиланган талабларга мувофиқлик юзасидан текширувини ўтказиш, текширув натижалари бўйича аниқланган номувофиқликлар кўрсатилган ҳолда ҳисоботни расмийлаштириш; е) Ариза берувчидан текширувда аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳужжатлар олиш; ж) Эксплуатантни такрорий текширувини ўтказиш (зарур ҳолларда); з) Текширув натижалари бўйича Сертификат бериш (бермаслик) тўғрисида қарорни ўз ичига олган хулоса тайёрлаш.

4.4. Муассасалар ичида давлат хизматини кўрсатиш тартиботлари

"Ўзавиация" Агентлиги канцеляриясида аризаларни қабул қилиш – "Ўзавиация" Агентлиги директори томонидан имзолаш учун аризани топшириш – "Ўзавиация" Агентлиги ОСНППга аризани топшириш – "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ аризани кўриб чиқиш – ариза берувчига Сертификат бериш ёки Сертификат берилишини рад қилиш тўғрисида хабарнома юбориш.

4.5. Рад қилиш учун асослар

Сертификат берилишини рад қилиш учун асослар "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ белгиланган.

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Қўлланилмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатант Сертификатини бериш бўйича хизмат кенг доирали хизматлар олувчилар учун оммавий ҳисобланмайди (маълумот учун: ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 4 та Сертификат эгаси мавжуд).

5.2. Сифатсиз хизмат устидан шикоят қилиш

Хизматларни олувчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сертификат берилиши рад қилинганлиги, шунингдек "Ўзавиация" Агентлиги мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қуйидагилар орқали шикоят қилиши мумкин: - шахсий мулоқот; - хат; - электрон почта.

Регламентга илова

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик авиациясида эксплуатантларни Сертификатлаш бўйича Давлат хизматини тақдим қилиш схемаси



"Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик
авиациясида эксплуатант сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги Низом"га 5-сонли

"Ўзавиация" Агентлиги Директорига

АРИЗА

_____дан

(юридик шахс номи ёки жисмоний шахс Ф.И.Ш. тўлиқ ёзилади)

Сиздан

эксплуатант сертификатини беришни ☐

эксплуатант сертификатининг амал қилиш муддатини узайтиришни ☐

эксплуатант сертификатини қайта расмийлаштиришни ☐

эксплуатант сертификатининг амал қилишини тиклашни ☐

эксплуатант сертификатининг нусхасини беришни ☐

эксплуатант сертификатининг амал қилишини бекор қилишни ☐

эксплуатант сертификатини бекор қилишни сўрайман. ☐

Ариза берувчи тўғрисида маълумотлар:

Юридик шахслар учун:

1. Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи: _____
2. Жойлашган мнзили (почта манзили) _____
3. Телефон/телефакс рақамлари_____

Жисмоний шахслар учун:

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Фуқаролик шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари.
_____
3. Турар жой манзили _____
4. Телефон/телефакс рақамлари _____
5. СТИР _____

Илова.

_____

(ҳужжатлар номи, уларнинг рақамлари, имзоланган сана, варақлар сони, тақдим қилиш шакли)

Ариза берувчи _____ «____» _____ 20___ й.
(имзо, Ф.И.Ш.) (кун) (ой)